

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

С.Б.Танирбергенов

Резюме: Бул мақалада АҚШ, Европа мамлекетлеринде сиясий партиялардың қәлиплестириўдиң актуал мәселелери үйренилген.

Резюме: Бу мақолада АҚШ, Европа давлатларида сиёсий партияларнинг ташкил топишининг актуал масалалари ўрганган.

Резюме: В данной статье рассматриваются актуальные вопросы формирования политических партий в США и странах Европы.

Summary: This article examines the current issues of political party formation in the USA and European countries.

Таяныш сөзлер: Сиясий партия, конституция, Президент, демократия, ҳуқықый мамлекет, республика, парламент, мамлекет.

Таянч сўзлар: Сиёсий партия, конституция, Президент, демократия, ҳуқуқий давлат, республика, парламент, давлат.

Ключевые слова: Политическая партия, конституция, Президент, демократия, правовое государство, республика, парламент, государство.

Keywords: Political party, constitution, President, democracy, legal government, republic, parliament, government.

Сиёсий партия тушунчасига ва умуман партиялар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун партияларнинг пайдо бўлиши, фаолият кўрсатиши тарихини эслаб ўтиш заруриятини сезамиз.

XI аср ўрталарига келиб, Италияда сиёсий кучлар жамият ҳаётидаги роли ва ўрни оша бошлади. Рим папаси билан император ўртасида турли низолар кучайиб борди. Бу воқеалар натижаси ўлароқ, “черков партияси” ва “империя партияси” туғилди. Кейинчалик, яъни бир аср атрофидаги тарихий муддатдан сўнг бу партиялар “гвельфлар” ва “гибеллинлар” деб аталди. Бу даврда баъзи шаҳарлар, масалан, Пиза, Сиена, Лукка мустақиллик дипломини берувчи император Генрих IV ни, яна баъзилари эса папа Григорий VII ни қўллаб-қувватлар эди.

Шундай қилиб, папа ва император ўртасида кучли сиёсий тўқнашувлар рўй бера бошлади. Гвельфлар томонида асосан, савдогар ва хунармандлар кўпроқ бўлса, гибеллинлар томонида феодаллар кўпчиликни ташкил қилар эди. Аммо, баъзи пайтларда бу икки партиянинг яқинлашган ҳолатлари ҳам бўлган. Албатта, бу манфаатларнинг вақтинчалик бир хил бўлиб қолиши натижасида рўй берган эди.

“Гвельфизм” ва “гибеллинизм” тушунчалари бир-бирига карама-қарши ҳодисаларни ўзида акс эттира бошлади. Гвельфлар қашшоқ ломбард патаренилар, д'Эсте маркизлари ва флорентийлик савдогарларни ўз ичига олса, гибеллинлар эса

тосканлик графлар, генуэзлик кемасозлар ва Ареццо епископлари манфаатларини ифодалай бошлади.

Бу партияларнинг шаклланиши коммуналарнинг ривожланиши билан ҳам боғлиқдир. Коммуна шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий парчаланишига сабаб бўлган, бу билан у феодал ва антифеодал ижтимоий оқимларнинг пайдо бўлишига туртки берган эди. Шунингдек, бу партиялар империячилар ва антиимпериячилар (папа тарафдорлари) манфаатларини ҳимоя қилишни ифодалаш ҳосиласи эди. Шу тариқа Италияда кейинчалик тарихий манбаларда партияларнинг ўтмишдошлари деб аталадиган икки “партиявийлик”нинг илк кўринишлари юзага келган [1, 229-264].

1642—1646 йилларда Англияда бўлиб ўтган фуқаролар уруши жараёнида, аниқроғи, бу урушнинг илк босқичида парламент ва армияни ўз қўли остида назорат қилиб турган пресвитериан партияси, ўрта ҳол табақа, ўрта ва майда дворянлар вакиллари манфаатларини ҳимоя қилувчи, нисбатан радикал бўлган индипендентлар партияси тузилди. Аммо, индипендентларнинг турли йиғилишларида, янги армия лагерларида бўлиб ўтган қизгин мунозараларда нафақат пресвитериан, балки бошқа оқимларга мансуб, расмий индипендентлар дастурига ёт бўлган қарашлар ҳам шаклланиб борди. Бу сиёсий қарашлар кураши натижасида Жон Лильберн бошчилигидаги ливеллерлар партияси сиёсий майдонга кириб келди. Партиянинг асосий талаби мулкчилик муносабатларида, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий, сиёсий, тоифавий тенглик ўрнатиш эди.

Ливеллер сўзи инглизча “to level” — “тенглаштирмак” деган маънони англатади. Бу партия тенглик учун кураш олиб борганлиги сабабидан барча партия аъзолари ўзларини ливеллерлар деб атай бошладилар. Ливеллерлар таркибини, асосан, Лондон шаҳри ҳунармандлари ташкил этар эди. Ҳунармандлар орасида ливеллерларнинг биринчи ташкилотлари пайдо бўлса-да, уларнинг асосий фаолият маркази армия ҳисобланар эди.

Партиялар тузилишининг дастлабки давридаёқ ливеллерлар ва индипендентлар ўртасида сиёсий кураш авж олиб кетди. Индипендентлар ўз дастурларини “Таклифлар боблари”, ливеллерлар эса “Халқ келишуви” деган номда эълон қилдилар. Ливеллерлар республика тузиш учун, индипендентлар эса, чегараланган монархия учун ҳаракат қилар эди. 1649 йилга келиб “ҳақиқий ливеллерлар” – диггерлар гуруҳи ливеллерлар партиясидан ажралиб чиқди. Бу гуруҳ ўша пайтдаги инглиз жамиятининг қуйи қатламлари – ишчилар, батрақлар қабиладарнинг манфаатларини ҳимоя қилар эди. Диггерлар нафақат ҳуқуқий ва сиёсий тенгликни, балки иқтисодий тенгликни ҳам талаб қилиб чиқдилар. Уларнинг бош мафкурачиси Жеральд Уинстенли булиб, у ўз ғоялари ва қарашларини ўзининг утопик асари “Эркинлик қонуни”да баён қилиб берган эди.

1660-1688 йиллар орасида амалга оширилган Реставрация даврида сиёсий муҳолифат тобора шаклланиб борди. Натижада қирол ҳокимиятини чегаралашни

талаб қилиб чиққан вигилар партияси ташкил топди. Бу партиянинг бошида йирик аристократлар сулоласи вакиллари — граф Шефтсбери, Лорд Рассел ва бошқалар турди. Партиянинг муҳим талабларидан бири шахзода Яковни католик мазҳабида бўлганлиги учун ме-росхўрлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва католикларни давлат лавозимларига яқинлаштирмаслик эди. Бу партия аъзолари ўзларини “вигилар” деб аташига сабаб шуки, фуқаролар уруши йилларида Шотландиядаги католиклар ўта муросасиз бўлган кишиларни “вигилар” деб атаганлар [2, 34-36].

Вигилар – буржуазия ва ўрта дворянлар манфаатларини ифодаловчи, тахтга нисбатан оппозицион кайфиятда турувчи кишилар бўлиб, савдогарлар, молия ва саноат буржуазияси ҳамда инқилоб давомида бойиб кетган жентрилар юқори қисмининг вакилларидан иборат партия эди. Лекин бу партияларнинг иккаласи ҳам ҳали таркибий жиҳатдан батамом расмийлашмаганди. Улар ўз съездларига йиғилмас, сайлаб қўйиладиган органларига эга эмас эдилар. Дастлаб, Англия парламентида узок вақт ториларнинг вакиллари ҳукмронлик қилган. Вигилар оппозицияда туриб ва доимо таъқиб остига олиниб, парламент орқали фуқаролар дахлсизлигининг кафолатлари ҳақидаги қонун қабул қилинишига ҳаракат қилдилар. Вигилар ўзларининг бу мақсадларига фақат 1679 йилдагина, яъни парламентда кўпчилик ўринга эга бўлиб олганларидагина эришган эдилар. Улар шу йили қулай имкониятдан фойдаланиб, парламент умум палатаси орқали ўзбошимчалик билан қамокқа олишлар тўхтатилишини талаб қилиб чиқдилар. Натижада 1679 йил 26 майда парламентда конституциявий кураш тарихида машҳур бўлган Хабеас корпус акт (*Habeas Corpus act*), яъни шахс ҳуқуқлари кафолатлари ҳақидаги акт қабул қилинган [3, 15]. Бу қонунга кўра, ҳар қандай қамокқа олинган маҳбус шахсан ўзи ёки қариндошлари ва танишлари орқали Англиядаги юқори судлардан бирига Хабеас корпус ҳақида буйруқ беришини талаб қилиши мумкин эди.

Вигиларга қарама-қарши булган кучлар аристократик торилар партияси атрофида бирлашдилар. Ирландиялик католик-партизанларни “торилар” деб аташар эди. Торилар – қирол ва унинг ҳокимиятини кучайтириш тарафдорлари бўлиб, сарой аристократлари, қисман жентрилар, шунингдек, руҳонийлар вакиллари партияси эди. Бу партия қиролни қўллаб-қувватлар ва монарх ҳуқуқлари чегараланмаслигини талаб қилар, шунингдек, мутлақ монархияни ёқлаб чиққан эди. Бу партиянинг назарий асослари файласуф Гоббс асарларида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Гоббс Карл II олдида ҳурмат-эътибор қозонди, ҳатто у қирол хазинасидан нафақа ҳам олиб турди.

Иккала партия ҳам 1679 йилга келиб ўз шаклланиш даврини тугатди. Карл II шу йилда янги сайловлар ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Янги парламентда вигилар кўпчилик жойни эгалладилар. Бу ҳолат йирик саноат эгалари ва джентри муҳитида муҳолифатлашувнинг ўсиб бораётганлигини билдирар эди. Вигилар узок йиллар давомида парламентни бошқардилар. Кейинчалик вигилар ўз назарий асосларини Жон Локк асарлари ҳисобига анча бойитдилар [4, 108-110].

Францияда ҳам партияларнинг вужудга келиши мавжуд ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий шарт-шароитлар билан чамбарчас боғлиқдир. 1789 йилга келиб Францияда етилган инқилобий вазият бутун мамлакатни қамраб олди. Бу даврда асрлар давомида ҳукмрон бўлган феодал-мутлақ тузум ўз умрини яшаб бўлган, энди у мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишига тўғаноқ бўла бошлаган эди. Бу ҳолат ўз навбатида етилган инқилобий вазиятнинг янада кескин тус олишига туртки бўлди. Натижада манфаатлари жамиятда ифодаланмаган аҳолининг турли қатламлари қарашларини ўзида акс эттирувчи бир канча клуб ва жамиятлар дунёга келди. Булар орасида сиёсий ҳаётда муҳим ўрин тутган клублардан бири “Якобинчилар клуби” деб ном олган “Конституция дўстлари жамияти” эди. 1790 йилга келиб бу клубдан ўнг либераллар ажралиб чиқди ва улар “1789 йил жамияти” га асос солдилар. Бу клубнинг етакчи вакиллари Мирабо, Байн ва Ле Шапелье эди. Яна ўз таркибига кўра радикал ва демократик кучларни бирлаштирган “Кордельерлар клуби” ҳам ташкил этилди.

Расмий равишда бу клубни “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари жамияти” деб ҳам аташар эди. 1789 йилда аббат Клод Фоше ва Никола Бонвиллелар, “Социал тўғарак” (“Cercle social”) ташкилотига асос солдилар. Бу тўғарак турли демократик руҳдаги кучлар бирлашувидан таркиб топган эди. Ҳукмрон партия — “конституционалистлар” эса қирол манфаатларини ҳимоя қилар эди. Франция ижтимоий-сиёсий ҳаётида 1789-1848 йиллар ўртасида кўплаб клуб ва жамиятлар дунёга келди. Улар мамлакат тарихида чуқур из қолдирди. Францияда сиёсий онгнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган клублардан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: А.Барбес, Собрие, М.Дюфресс ва Э.Торслар раҳбарлигидаги “Инқилоб клуби”, Бланки бошчилигидаги “Марказий республика жамияти”, Распайлнинг “Халқ дўстлари” клуби, Э.Кабе асос солган “Марказий қардошлик жамияти”, 1848 йилда ташкил топган “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари жамияти”. Албатта, бу клуб ва жамиятлар узоқ давом этган тарихий тараққиёт жараёнида ўтмишдошлар сифатида ҳақиқий партияларнинг шаклланишига негиз бўлиб хизмат қилди [5, 14-15, 22-24, 276-280].

Дастлабки икки партиявийлик тизимнинг шаклланишига асос солинган АҚШда XVIII асрнинг 70-80 йилларида партиялар тузилиши учун, табиий шарт-шароитлар етилган эди. Илк партиявий тизимнинг пайдо бўлишида Америка жамиятининг таниқли ва буюк арбоблари бўлмиш Томас Жефферсон, Александр Гамильтон, Жеймс Мэдисон, Жон Адамс кабиларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Умуммиллий сиёсий партияларнинг шаклланиши учун таянчлар тайерлаш жараёнида бўлажак тузумнинг асосий йуналишлари ҳам аниқлаша борди. Ўша даврда АҚШдаги сиёсий кучларнинг ўзаро зиддиятлари натижасида иккита катта партия вужудга келди. Бу билан монархик типдаги партиянинг сиёсий майдонга чиқишига чек қўйилди.

Конституцияни муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва қабул қилиш жараёнидаги курашларда ҳар бир гуруҳнинг ўз нуқтаи назарини илгари суриши, ижтимоий-сиёсий манфаатларнинг кескинлашуви натижасида сиёсий кучлар гуруҳлаша бошлади. Бу жараённинг тезлашиши республикачилар лидери сифатида сиёсий майдонга чиққан Ж. Мэдисон номи билан боғлиқдир. У ўз мустақил дастури билан чиқиб, Англиядан мустақил ҳолда АҚШнинг савдо-иқтисодий ривожланишига эришиш масаласини кун тартибига қўйди. Ж. Мэдисон дастури уч қисмдан иборат бўлиб, улар асосан, куйидагилардан иборат эди: ташқи савдога кредит бериш учун умумий миллий даромаддан маблағ ажратиш; савдо флоти мустақиллигига эришиш учун ёрдам бериш ва Буюк Британия билан савдо муносабатларини тартибга солиш.

Ж.Мэдисоннинг кучли рақиби бўлган А. Гамильтон эса унга қарши ўларок ўзининг мамлакат иқтисодий ривожланишига доир дастури билан чиқди. Бу дастурда давлат кредит тизимини ташкил этиш, Миллий банк таъсис этиш каби муҳим ва долзарб тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган эди. Лекин А.Гамильтон иқтисодий мустақилликка унчалик катта аҳамият бермаган эди. Узок давом этган тортишувлардан сўнг 1791 йилда Ж.Мэдисон раҳбарлигида республикачилар, А.Гамильтон раҳбарлигида эса федералистлар партияси таркиб топди. 1800 йилги сайлов кампанияларида бу партиялар ўзларини гоҳ у, гоҳ бу ном билан атай бошладилар. Бу ноаниқликни бартараф этиш мақсадида вигилар ва торилар деб номлаш ҳам таклиф қилинди. Бу ҳолат партияларнинг ҳали тўла шаклланиб бўлмаганлигидан далолат берар эди. Аммо сиёсий партияларнинг майдонга чиқиши, икки партиявийлик тизими пайдо бўлишининг ўзиёқ АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий бурилиш эди [6, 13-19].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки сиёсий партиялар муайян тарзда уюшган шаклда XI аср ўрталарига келиб, Италияда юзага келган. Хусусан, мазкур даврда Рим папаси билан император ўртасида турли низолар кучайиб борди. Бу воқеалар натижаси ўларок, “черков партияси” ва “империя партияси” туғилди. Кейинчалик, яъни бир аср атрофидаги тарихий муддатдан сўнг бу партиялар “гвельфлар” ва “гибеллинлар” деб аталган.

1642—1646 йилларда Англияда бўлиб ўтган фуқаролар уруши жараёнида, аниқроғи, бу урушнинг илк босқичида парламент ва армияни ўз қўли остида назорат қилиб турган пресвитериан партияси, ўрта ҳол табақа, ўрта ва майда дворянлар вакиллари манфаатларини ҳимоя қилувчи, нисбатан радикал бўлган индипендентлар партияси тузилган.

Дастлабки икки партиявийлик тизим АҚШда XVIII асрнинг 70-80 йилларида юзага келган. Илк партиявий тизимнинг пайдо бўлишида Америка жамиятининг таниқли ва буюк арбоблари бўлмиш Томас Жефферсон, Александр Гамильтон, Жеймс Мэдисон, Жон Адамс кабиларнинг ўрни беқиёсдир.

Ҳозирги вақтда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг илк ўтмишдошлари Янги даврга келиб шаклланди. XIX асрда эса Ғарбий Европа ва Шимолий Америка

мамлакатларидаги сиёсий партиялар сиёсий вакиллик институти характери касб эта бошлади. Партиялар пайдо бўлишининг муҳим сабабларидан бири - давлат ҳокимиятини шакллантиришда адолат тамойилларига амал қилиш, шунингдек, жамиятни демократлаштириш заруриятларига бўлган талабнинг ошиб борганлигидир.

Янги даврдан бошлаб сиёсий партиялар турли ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг сиёсий манфаатларини ифодалаб, аста-секин фуқаролик жамияти манфаатларини ифодаловчи мустақил институтларга айланиб борди. Айниқса, сайлов институтларининг сиёсий ҳокимият маъсуллигини шакллантириш механизми сифатидаги ўрнининг ошиб бориши билан сиёсий партиялар ҳам такомиллашиб борди.

Вигилар оппозицияда туриб ва доимо таъқиб остига олиниб, парламент орқали фуқаролар дахлсизлигининг кафолатлари ҳақидаги қонун қабул қилинишига ҳаракат қилдилар. 1679 йил 26 майда парламентда конституциявий кураш тарихида машҳур бўлган Хабеас корпус акт (Habeas Corpus act), яъни шахс ҳуқуқлари кафолатлари ҳақидаги акт қабул қилинди. Бу қонунга кўра, ҳар қандай қамоққа олинган маҳбус шахсан ўзи ёки қариндошлари ва танишлари орқали Англиядаги юқори судлардан бирига Хабеас корпус ҳақида буйруқ беришини талаб қилиши мустаҳкамланди.

Умуман, АҚШ, Европада ташкил топган партияларнинг ўтмишдошлари ва илк партияларнинг тажрибалари, сабоқлари ҳозирги замон партияларининг шаклланиши учун муҳим босқич бўлди.

АДАБИЁТЛАР:

1. История Италии. В 3-х томах. Том 1. Под. ред. С. Д. Сказкина. — Москва: Наука, 1970, с. 229-264.
2. Новая история стран Европы и Америки: Первый период: Учебник для студентов вузов. Под. ред. А. В. Адо. — Москва: Высшая школа, 1986, с. 34-36.
3. Israel, Jonathan I.; Parker, Geoffrey (1991). "Of Providence and Protestant Winds: the Spanish Armada of 1588 and the Dutch armada of 1688". In Israel, J.I. The Anglo-Dutch Moment. Essays on the Glorious Revolution and its world impact. Cambridge University Press. [ISBN 0-521-39075-3](#). P.15.
4. Картман Л. Е. География, история и культура Англии: Учебное пособие. 2-е изд., перераб. Москва, «Высшая школа», 1979, с. 108—110.
5. История Франции. В 3-х томах. Том 2. Отв.ред. А.З.Манфред.- Москва:Наука,1973, с. 14-15, 22-24, 276-280.
6. Трояновская М.О. США: у истоков двухпартийной системы.- Москва:Междунар.отношения, 1989,с. 6-7, 13-19.